

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.06/29.10.2021.V.139.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА ИНТИЗОР ЮЛДАШЕВНА**

**ҚУЁНЛАР КОЛИБАКТЕРИОЗ ВА САЛЬМОНЕЛЛЁЗ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ  
ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ.**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар  
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2023**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences**

**Султанова Интизор Юлдашевна**

Қуёнлар колибактериоз ва сальмонеллёз касалликларининг  
патоморфологияси ва дифференциал диагностикаси ..... 3

**Султанова Интизор Юлдашевна**

Патоморфология и дифференциальная диагностика колибактериоза и  
сальмонеллёза кроликов. .... 25

**Sultanova Intizor Yuldashevna**

Pathomorphology and differential diagnosis of colibacillosis and salmonellosis in  
rabbits. .... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.06/29.10.2021.V.139.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА ИНТИЗОР ЮЛДАШЕВНА**

**ҚУЁНЛАР КОЛИБАКТЕРИОЗ ВА САЛЬМОНЕЛЛЁЗ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ  
ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ.**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар  
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2.PhD/V63 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.viti.uz](http://www.viti.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Элмуратов Бозорбой Ахтамович</b><br>ветеринария фанлари доктори, профессор  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Илясов Азиз Саидмуротович</b><br>биология фанлар доктори, профессор<br><b>Кулиев Баходир Амриддинович</b><br>ветеринария фанлар номзоди, доцент |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси</b>  |

Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 141500. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Янги Тойлоқ 1-қишлоғи 67 уй. Тел: (+99866) 666-56-30; факс: (+99866) 666-56-76; e-mail: [nivi@vetgov.uz](mailto:nivi@vetgov.uz))

Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Янги Тойлоқ 1-қишлоғи 67 уй. Тел: (+99866) 666-56-30; факс: (+99866) 666-56-76; e-mail: [nivi@vetgov.uz](mailto:nivi@vetgov.uz)).

Диссертация автореферати 2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ҳ.С.Салимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
вет.ф.д., профессор

**Ж.М.Исаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
вет.ф.ф.д., (PhD) катта илмий ходим

**Г.Х.Мамадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
вет.ф.д., катта илмий ходим.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда мамлакатимиз чорвачилигини ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги билан таъминлаш ҳамда сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабни қондириш мақсадида арзон ва тез етиштириладиган, тўла қийматли маҳсулотлар билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Бу жабҳада қуёнчилик соҳасини ривожлантириш, аҳолини арзон ва парhez гўшт билан таъминлаш муҳим ўрин тутади. Аммо, бу соҳани ривожлантиришда ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд бўлиб, қуёнлар орасида пайдо бўладиган турли инфекция, инвазия ва юқумсиз касалликларнинг тарқалиши асосий тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, «Қуёнларнинг аралаш колибактериоз ва сальмонеллез касаллиги *Enterobacteria* оиласига мансуб бўлиб, фермер хўжаликларида кенг тарқалганлиги, ошқозон-ичак дисфункцияси ва энтеротоксиген симптомлари билан намоён бўлиб қуёнларда ошқозон-ичак бактериял касалликлари 9,3%, шундан колибактериоз 23,3%, сальмонеллез 3,9% ва аралаш колибактериоз-сальмонеллез касаллиги 14% тарқалганлиги аниқланган»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан қуёнлар аралаш бактериял колибактериоз-сальмонеллезини тезкор диагностика қилиш, олдини олиш усуллари такомиллаштириш ва дифференциал диагностикасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, сўнгги йилларда ноқулай экологик омиллар таъсирида қуёнчилик хўжаликларида зоогигиеник қоидаларнинг бузилиши ҳайвонларнинг табиий резистентлиги пасайишига олиб келиб қуёнларда колибактериоз ва сальмонеллез касалликларининг алоҳида учрашига нисбатан биргаликда аралаш ҳолда кечиш ҳолатларининг тарқалиши ва ёш, бўғоз қуёнларнинг ўлимига сабаб бўлиши, профилактика ва даволаш учун кўп маблағ сарфланиши соҳага катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Ушбу касалликларга чалинган қуёнлар соғайгандан кейин бактерия ташувчиси бўлиб қолиб касаллик кўзғатувчисини ташқи муҳитга тарқатишда давом этади. Кўплаб мамлакатларда қуёнлар аралаш инфекция касалликларни олдини олиш ва даволашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда қуён етиштириш билан шуғулланувчи аҳоли ва чорвачилик фермаларида аралаш инфекция касалликларнинг мавжудлиги бу жониворларнинг кўпайиши ва ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Қуёнлар инфекция колибактериоз ва сальмонеллез касалликларини алоҳида тарқалишини диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар бажарилган, аммо бизнинг мамлакатимизда айнан қуёнларда ушбу касалликларнинг аралаш ҳолда учраши ўрганилмаганлиги сабабли аралаш колибактериоз-

---

<sup>1</sup>Тамбиев Т.С., Тазаян А.Н., Бывайлов В.П., Кошляк В.В., Малышева Л.А. “Характеристика эпизоотического процесса при смешанных желудочнокишечных инфекциях бактериальной этиологии в Ростовской области” Ветеринарная патология “Международный научно-практический журнал по фундаментальным и прикладным вопросам ветеринарии”. № 3 (53) 2015 г.

сальмонеллэз касалликларини эпизоотик ҳолатини ўрганиш ва қарши кураш ҳамда эрта диагностика қилиш мақсадида патоморфологик дифференциал диагностикасини ёритиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup> ПҚ-4576-сонли қарори ни таъминлаш, Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил – бу куёнчиликни ривожлантиришдир», деб таъкидлаган. 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сонли «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озиқа базасини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида» ги, 2020-2024 йилларда Республикаимизнинг барча ҳудудларида куёнчилик кластерларини йўлга қўйиш бўйича дастур шакллантирилди. Ҳудудларда барча соҳалар қатори куёнчилик йўналишларини янада ривожлантириш орқали аҳоли бандилигини таъминлаш мақсадида кооперация усулида қўшимча даромад олишга имкон яратиш бўйича ҳар бир вилоятлар аҳолиси учун 1 миллион бошдан куён етиштиришни амалга оширилиши белгиланган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Колибактериоз ва сальмонеллэзнинг тарқалишини турли (йирик ва майда шохли) ҳайвонларда, мўйналар ва паррандаларда учраши, клиник белгилари, патоморфологик ўзгаришлари, диагностикаси, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш борасида илмий-тадқиқот ишларини бир қатор хорижий олимлар, жумладан: - A.G.Shalaby, M.K.Dayan, F.A.House, H.Roshdy, L.Kovacs, H.A.Mohammed, N.Rigo, L.K.Nolan, P.S.Dovson, L.N.Dorbyrni, F.A.House. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Р.Х.Юсупов, О.А.Манжурина, А.М.Скогорева, В.А.Шубин, К.А.Кашкинбаев, А.А.Жакуповалар, Республикаимиз олимларидан Т.Е.Максимова, А.К.Сытдиқов, И.Д.Бурлуцкий, Ф.И.Ибодуллаев, А.Абдусаттаров, Б.А.Элмуродов, Ж.М.Парманов, А.А.Қамбаров, Э.Э.Япаров, С.Ҳ.Абдалимов ва бошқалар томонидан куёнлар ички аъзоларида алоҳида кечиши ва патологоанатомик ўзгаришлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий тадқиқот институтининг №9-013-2015 «Мўйнали ҳайвонларнинг юқумли пастереллэз

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони

касаллигини олдини олиш ва даволашнинг илмий асосланган воситаларини яратиш» (2015-2017 й.й), №БВ-ҚХ-А-2018-13 «Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг юқумли пастереллёз, колибактериоз ва сальмонеллёз касалликларини олдини олиш ва даволашнинг илмий асосланган воситаларини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистонда илк бор қуёнларнинг аралаш ҳолда кечувчи колибактериоз ва сальмонеллёз касалликларининг эпизоотик ҳолатини ўрганиш, тарқалиш даражасига аниқлик киритиш, мавсумийлиги ва этиологик омилларини ўрганиш, қуён организмнинг биологик параметрлари асосида эрта диагностикаси ва дифференциал диагностикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** қуёнчилик фермер хўжаликларида аралаш ҳолда кечувчи колибактериоз-сальмонеллёзнинг эпизоотик ҳолатини тадқиқ қилиш;

Республиканинг турли ҳудудларида қуёнлар колибактериоз-сальмонеллёзининг этиологик омиллари ва касалланиш даражасининг мавсумийлигини аниқлаш;

қуёнларнинг аралаш колибактериоз-сальмонеллёзини тезкор аниқлаш мақсадида патоморфологик дифференциал диагностикасини ишлаб чиқиш;

соғлом ва касалланган қуёнлар организмнинг биологик параметрлари асосида аралаш колибактериоз-сальмонеллёз касаллигининг дифференциал диагностикасини ишлаб чиқиш;

қуёнлар колибактериоз ва сальмонеллёз касаллигининг биргаликда ҳамда алоҳида кечишига доир патоморфологик диагностикаси бўйича тавсиянома ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республиканинг Тошкент, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги қуёнчилик фермер хўжаликларида жами 39173 бош соғлом, 822 бош колибактериоз ва сальмонеллёз ҳамда аралаш ҳолда зарарланган қуёнлар, 34 бош касалликдан ўлган қуёнлар, улардан олинган патологик намуналар, зарарланган паренхиматоз ички аъзолар, лаборатория тажрибасидаги 32 бош қуёнлар ички-аъзолари намуналари, улардан тайёрланган гистокесмалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида колибактериоз ва сальмонеллёз билан касалланган қуёнлар қонидаги гематологик, морфологик, биокимёвий ва иммуноморфологик кўрсаткичлар, паренхиматоз аъзоларидаги патологоанатомик, патогистологик ўзгаришлар хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда клиник, патологоанатомик, морфологик, гистологик, гематологик, биокимёвий бактериологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

республикамизнинг турли ҳудудларидаги қуёнчилик фермер хўжаликларида аралаш ҳолда кечган колибактериоз-сальмонеллёз 46,0%, алоҳида колибактериоз 33,0%, сальмонеллёз эса 21,0 фоизни ташкил этиши аниқланган;

куёнлар аралаш колибактериоз-сальмонеллэзининг пайдо бўлиши ва тарқалиши йил мавсумига боғлиқ эмаслиги ва зоогигиеник талабларнинг бузилиши натижасида доимий учраб туриши аниқланган;

куёнларнинг аралаш колибактериоз-сальмонеллэзини тезкор аниқлаш мақсадида қондаги иммуноморфологик кўрсаткичларига кўра В-лимфоцитларнинг 19 фоизга ва Т-лимфоцитларнинг 85 фоизга кўпайиши, Т-супрессор лимфоцитлар 21 фоизга камайиши, гомеостазнинг пасайиши, умумий иммунитетнинг гиперфаоллиги аниқланган;

куёнларнинг аралаш колибактериоз-сальмонеллэзини алоҳида учрашига нисбатан барча паренхиматоз органларда геморагияси, фибрин тугунларнинг ҳосил бўлиши натижасида мураккаб ўзгаришлари аниқланиб, патоморфологик ва бактериологик дифференциал диагностикаси ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

эпизоотик ҳолат таҳлилларга кўра, Республикаимизнинг 4 та вилоят кесимида куёнларнинг аралаш колибактериоз-сальмонеллэзи 46,0 фоизгача тарқалганлиги аниқланган;

куёнлар колибактериоз-сальмонеллэзининг алоҳида ҳамда аралаш кечишида бактериологик ва патоморфологик дифференциал диагностикаси ишлаб чиқилган;

куёнлар аралаш колибактериоз-сальмонеллэзининг гематологик, иммуноморфологик ва биокимёвий усуллар ёрдамида эрта диагностика услуги илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тажрибалар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган бўлиб, олти ойлик ва йиллик ҳисоботларда мониторинги ўтказилган. Морфологик, бактериологик услублардан фойдаланиш ва бошланғич маълумотларга ишлов бериш, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳамда лаборатория ва хўжалик тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва Ветеринария илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси куёнчилик фермаларида аралаш колибактериоз-сальмонеллэз касаллигининг эпизоотик ҳолати, республиканинг турли минтақаларида касалланиш даражасининг мавсумий динамикаси ва дифференциал диагностикаси бўйича илк бор маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аралаш колибактериоз-сальмонеллэз касаллигини эрта диагностикаси ва дифференциал диагностикаси бўйича ишлаб чиқилган «Куёнларнинг аралаш бактериал (колибактериоз ва сальмонеллэз) инфекциясининг дифференциал

патоморфологик диагностикаси» услубий тавсияномаси ҳамда иммуноморфологик, биокимёвий натижалар асосида эрта диагноз қўйиш услубининг ветеринария амалиётида қўлланилишида хизмат қилишидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Қуёнлар колибактериоз ва сальмонеллёз касалликларининг патоморфологик дифференциал диагностикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Қуёнларни парваришлаш ва уларда учрайдиган касалликларга қарши кураш» бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 12 май №5-сонли маълумотнома). Ушбу тавсияларнинг ветеринария амалиётига жорий этилиши натижасида қуёнлар колибактериоз-сальмонеллёзига қарши кураш ва даволаш ишларини самарали олиб боришга эришилган.

«Қуёнларнинг аралаш бактериал (колибактериоз ва сальмонеллёз) инфекциясининг дифференциал патоморфологик диагностикаси» бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 17 март №4-сонли маълумотнома) Натижада қуёнларнинг колибактериоз ва салмонеллёз касаллиги алоҳида ҳамда аралаш кечганда касалликларга эрта диагноз қўйиш ва дифференциал диагностика қилиш услуби касалликка қарши курашда самарали мезон бўлиб хизмат қилган.

2020-2022 йиллар давомида Самарқанд вилоятидаги Тойлоқ, Ургут туманларининг шахсий хонадонларидаги ҳамда Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол тумани «Икром Махмудов», «Санзор-қўқбулоқ манзараси Алибеков», Навоий вилоятидаги Кармана тумани, «Қўрғон дала» ва Тошкент вилоят Қуйи чирчиқ туманида «С. Шамуратов» фермер хўжаликларида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 17 март №4-сонли маълумотнома). Натижада мавжуд 39173 бош қуёнлар текширилиб 822 бош касал қуёнлар аниқланди ва патоморфологик дифференциал диагностикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотлар натижалари жами 11 та, жумладан 8 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида, ВИТИНинг услубий ва илмий кенгаш мажлисларида (2019-2023 й.й.), турли вилоятлар, туманлар ва чорвачилик хўжаликларда ўтказилган семинарларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 та хорижий ва 2 та Республика илмий журналларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида «**Қуёнлар колибактериозининг этиологияси ва тарқалиши**» деб номланган биринчи бобнинг биринчи қисмида қуёнлар колибактериозининг этиологияси ва тарқалиши ҳамда касаллик кўзғатувчиларининг ўзига хос хусусияти борасидаги хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари баён қилинган. Адабиёт манбаалари таҳлилига кўра, қуёнлар колибактериози ўткир оқимда кечувчи юқумли бактериал касаллик бўлиб, айниқса ёш ҳайвонлар орасида кенг тарқалганлиги ва ички аъзоларида, жумладан ошқозон-ичак, жигар ва юракда патологик ўзгаришларни ҳосил қилиши билан тавсифланади.

«**Сальмонеллэз турларининг қуёнлар ва бошқа тур ҳайвонларда учраши**» деб номланган иккинчи қисмида сальмонеллэзнинг қуёнлар ва бошқа тур ҳайвонларда учрайдиган, ўткир оқимда кечувчи бактерал касаллик бўлиб ички паренхиматоз аъзоларда жиддий жароҳатларни келтириб чиқариши билан тафсифланади. Жумладан, ўпкада бронхопневмониянинг кузатилиши, жигар, талоқ ва ошқозон-ичакларда патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Касалликнинг 2600 дан ортиқ сероварианти устида илмий ишлар олиб борилган.

«**Қуёнлар колибактериоз ва сальмонеллэзининг клиник белгилари, алоҳида ҳамда биргаликда кечишининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи қисмида касалликнинг учраш даври, клиник белгилари, алоҳида ва биргаликда кечгандаги фарқлари, қанча фоизгача аралаш ҳолда ва алоҳида тарқалиши, хорижий мамлакатларда шунингдек бизнинг юртимизда колибактериоз ва сальмонеллэздан заррланиш даражаси ҳақида адабий манбаалар ёритилган.

«**Қуёнлар колибактериоз ва сальмонеллэзининг патоморфологик дифференциал диагностикаси**» деб номланган биринчи бобнинг тўртинчи қисмида колибактериоз ва сальмонеллэз касалликларининг алоҳида паталогоанатомик ички аъзолардаги ўзгаришлари, яллиғланишлар, талоқдаги спленитнинг кузатилиши колибактериоз алоҳида кечганда сальмонеллэздан ажралиб турадиган ўзгаришлари ва патоморфологик дифференциал

диагностикасидаги ўзгаришларда дистрофик, паренхиматоз органлардаги гистологик фарқлари тўғрисида таъриф берилган.

**«Колибактериоз ва сальмонеллёз билан касалланган қуёнларни даволаш ва олдини олиш усуллари»** деб номланган бешинчи қисмида қуёнлар ва бошқа тур хайвонларни колибактериоз ва сальмонеллёз билан зарарланганда турли олимлар томонидан даволаш ва олдини олиш услублари борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари тўғрисида баён қилинган.

Диссертациянинг **«Хусусий тадқиқотлар»** деб номланган иккинчи бобнинг **«Тадқиқот материаллари ва услублари»** қисмида тадқиқот жойи, объекти ва услублари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар 2020-2022 йиллар давомида Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг микробиология, патоморфология, ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораторияларида ва ишлаб чиқариш шароитида қуёнчилик фермер хўжаликларидан Самарқанд вилоятидаги Тойлоқ, Ургут, Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол, Навоий вилоятидаги Кармана ва Тошкент вилоят Қўйи чирчиқ туманларида олиб борилган. Шу хўжаликларда мавжуд бўлган 39173 бош қуёнлардан 822 бош касал қуёнларда текширишлар олиб борилганлиги тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларнинг натижалари»** деб номланган учинчи бобининг биринчи қисмида **«Республиканинг айрим ҳудудларида қуёнлар колибактериоз-сальмонеллёзининг алоҳида ҳамда биргаликда учраши, мавсумийлиги, тарқалиши ва ёшга оид динамикасини аниқлаш»** деб номланган қисми 2020-2022 йиллар давомида хўжаликларда жами 39173 бош қуёнлар текширилиб, шундан 822 бош қуён клиник кўрикдан ўтказилган. Республиканинг турли вилоятларидаги қуёнчилик билан шуғулланадиган хусусий ҳамда давлат фермер хўжаликларида қуёнлар аралаш колибактериоз ва сальмонеллёз касаллигининг алоҳида ҳамда биргаликда тарқалишининг этиологияси, касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари, аралаш кечганда ва алоҳида касалликнинг мавсумий кечиши, ёшига қараб фарқлаш баён этилган.

Тадқиқотлар давомида эпизоотик текширишлар 2020 йилда Самарқанд вилояти Ургут туман, Жартепа МФЙ даги 223 бош қуёнларда олиб борилган. Шундан 64 боши бактериал колибактериоз ва сальмонеллёз касалликлар билан зарарланганлиги, 39 боши нобуд бўлиб, қолган 25 боши касалликдан соғломлаштирилганлиги таъминланган. Шу йил ҳисобидан 16 бош колибактериоз билан, 18 бош сальмонеллёз ва 30 бош қуён аралаш колибактериоз-сальмонеллёз билан зарарланганлиги аниқланган.

2021 йил давомида Самарқанд вилоят Ургут ва Тойлоқ туманларида аҳоли орасида қуёнчилик билан шуғулланадиган хонадонлар ва фермер хўжаликларида 300 дан ортиқ қуёнлар эпизоотик ва клиник текширилди. Текширишлар натижасида 123 бош касалланган қуёнлар ажратилди. Текширувлар олиб боришга қадар 66 бош қуён зарарланиб касалликдан ўлганлиги аниқланди. Жиззах вилоят кесимида 1700 бош қуён эпизоотик ва клиник текширилган, шундан 301 бош қуён колибактериоз ва сальмонеллёз

билан зарарланганлиги аниқланди. Ҳар бир хўжалик ва хонадондан 2 бошдан ўлган қуёнлардан патологик намуна олиниб, ВИТИ ёш моллар касалликларини ўрганиш ва микробиология лабораторияларида бактериологик текширилди. Натижада ҳар иккала туман қуёнчилик хўжаликларида 77 бош ҳайвонда колибактериоз, 96 бошда сальмонеллэз ва 128 бошда колибактериоз-сальмонеллэз аралаш бактериал инфекцияси аниқланди.

2022 йил давомида Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятларидан ВИТИ микробиология лабораториясига олиб келинган патологик намуналарни патологоанатамик ва бактериологик текширишлар натижасида, жами 36900 бошдан 158 бош қуёнларнинг колибактериоз билан ва ҳамда 176 бош аралаш колибактериоз-сальмонеллэз билан зарарланганлиги аниқланди. Алоҳида сальмонеллэз касаллиги кузатилмади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### 2020 йилда Самарқанд вилоятида қуёнлар аралаш бактериал ва алоҳида колибактериоз ва сальмонеллэзнинг эпизоотик ҳолати

| №                                     | Қуён сони    | Колибактериоз      | Сальмонеллэз       | Колибактериоз + сальмонеллэз | Ўлган             | Касалликдан Соғайган | Соғломлаш-тирилди    |
|---------------------------------------|--------------|--------------------|--------------------|------------------------------|-------------------|----------------------|----------------------|
| <b>2020 йил Самарқанд вилояти</b>     |              |                    |                    |                              |                   |                      |                      |
| 1                                     | <b>223</b>   | 16 (7,1 %)         | 18 (8,0 %)         | 30 (13,4 %)                  | 39 (17,5%)        | 25 (11,2%)           | 159 (71,3%)          |
| <b>2021 йил Самарқанд вилояти</b>     |              |                    |                    |                              |                   |                      |                      |
| 2                                     | <b>300</b>   | 20 (6,6%)          | 57 (19%)           | 46 (15,3%)                   | 66 (22 %)         | 57 (19 %)            | 177 (59 %)           |
| <b>2021 йил Жиззах вилояти</b>        |              |                    |                    |                              |                   |                      |                      |
| 3                                     | <b>1750</b>  | 77 (4,4%)          | 96 (5,5%)          | 128 (7,3%)                   | 183 (10,5%)       | 118 (6,8%)           | 1449 (83,2%)         |
| <b>2022 йил Жиззах</b>                |              |                    |                    |                              |                   |                      |                      |
| 4                                     | <b>1000</b>  | 36 (3,6%)          | -                  | 79 (7,9%)                    | 87 (8,7%)         | 28 (2,8%)            | 885 (88,2%)          |
| <b>2022 йил Навоий (Кармана)</b>      |              |                    |                    |                              |                   |                      |                      |
| 5                                     | <b>900</b>   | -                  | -                  | 97 (10,7)                    | 29 (3,1%)         | 68 (7,67)            | 803 (89,2%)          |
| <b>2022 йил Тошкент (Қуйи Чирчиқ)</b> |              |                    |                    |                              |                   |                      |                      |
|                                       | <b>35000</b> | 122 (0,3%)         | -                  | -                            | 64 (0,16%)        | 58 (0,14%)           | 34878 (99,7%)        |
| Жами                                  | <b>39173</b> | <b>271 (0,60%)</b> | <b>171 (0,43%)</b> | <b>380 (0,97%)</b>           | <b>468 (1,2%)</b> | <b>354 (0,90%)</b>   | <b>38351 (97,9%)</b> |

3.1.1 жадвал натижасига кўра, 2020-2022 йил давомида 39173 бош қуёнлар текширилганда 822 (2,0%) бош қуёнлар бактериал колибактериоз ва сальмонеллэз билан зарарланганлиги аниқланди. Шундан 271 (0,60%) бош колибактериоз, 171 (0,43%) бош сальмонеллэз, 380 (0,97%) бош қуёнлар

аралаш колибактериоз-сальмонеллэз билан зарарланганлиги аниқланди. Зарарланган қуёнлар ичидан 468 (1,2%) бош қуёнлар нобуд бўлган, 354 (0,90%) бош касалликдан даволанган.

Тадқиқотларимиз натижасида (2020-2022 йил) хўжаликлар кесимида 822 бош колибактериоз ва сальмонеллэз билан зарарланган қуёнлар ичидан колибактериоз (217 бош) 33,0 фоизни, сальмонеллэз (171 бош) 21,0 фоизни, аралаш колибактериоз ва сальмонеллэз билан касалланиш (380 бош) 46,0 фоизни ташкил этганлиги аниқланди (1-диаграмма).

1-диаграмма



Қуёнларнинг колибактериоз касаллиги асосан 1-15 кунликгача, сальмонеллэз касаллиги 2-5 ойликгача бўлган қуёнларда кузатилди. Аралаш бактериал колибактериоз ва сальмонеллэз касаллиги 20 кунликдан 2,5 ойликгача бўлган қуёнларда кўпроқ учраши аниқланди.

Қуёнларнинг аралаш инфекцион колибактериоз-сальмонеллэз ва алоҳида колибактериознинг учраб туриши мавсумга боғлиқ бўлмасдан, доимий равишда кузатилган. Сальмонеллэз эса мавсумий бўлиб куз-қиш, баҳор фаслларида кўпроқ учраши аниқланди.

Сальмонеллэзнинг энг кўп учраши қиш фаслига тўғри келиб, асосан 4-5 ойлик қуёнларда резистентликнинг пасайиши натижасида 45 фоизгача бола ташлаш ҳолатлари ва бронхопневмония, эндометритларнинг кузатилиши аниқланди. Касаллик баҳор ойида 38%, кузда эса 17% ташкил этди. Ёз фаслида ушбу касаллик билан зарарланиш кузатилмади.

**Қуёнлар аралаш колибактериоз-сальмонеллэзининг клиник ва гематологик кўрсаткичлари,** деб номланган иккинчи қисмида лаборатория шароитида хўжаликлардан олиб келинган патологик материаллардан ажратиб олинган аралаш ва алоҳида *Salmonella* ва *E.coli* қўзғатувчилари 32 бош қуёнга юқтирилиб эпизоотологик, клиник, бактериологик, паталогоанатамик, патоморфологик, қондаги иммуноморфологик, биокимёвий ва гематологик усулларида текширилган. Бунда биринчи тажриба 16 бош қуёнларда олиб борилган бўлиб, I гуруҳ (4 бош) қуёнларининг қорин бўшлиғига 0,5 млрд ЛД<sub>50</sub> (летал доза) да микроб таначасининг 0,5 мл микдорда *E.coli* қўзғатувчиси, 4 бош II гуруҳ қуённинг

қорин бўшлиғига 0,5 млрд ЛД<sub>50</sub> микроб таначасининг 0,5 мл миқдорда *S. enteritidis*, 4 бош III гуруҳ куённинг қорин бўшлиғига иккала қўзғатувчиларнинг биргаликда 1 млрд ЛД<sub>50</sub> микроб таначаси 0,5 мл миқдорда юктирилди. 4 бош IV назорат гуруҳи куёнларига эса қўзғатувчи юктирилмасдан, 0,5 миқдорида физиологик эритма қорин бўшлиғига юборилди.

Алоҳида *E. coli*, *S. enteritidis* қўзғатувчиларига нисбатан аралаш *E. coli*+*S. enteritidis* бактериал қўзғатувчиларнинг куёнлар организмга гематологик ва патоморфологик ўзгаришлари ўрганилганда аралаш қўзғатувчилар юктирилган гуруҳ куёнларида мураккаб клиник ва гематологик ўзгаришлар кузатилганлиги таҳлил қилинди.

Гематологик ўзгаришлар натижасига кўра, учинчи гуруҳдаги куёнлар қонида I ва II гуруҳга нисбатан гемоглобин миқдорининг  $6,9 \pm 0,33$  г/л га, камайиб кетиши, эритроцитлар миқдорининг меъеридан  $3,5 \pm 0,22$  г/л камайиши кузатилди. Эритроцитлар таркибини 60% сув 40% қуруқ модда ташкил этиб, қуруқ модданинг 90 фоизини гемоглобин ташкил этади. Шундан келиб чиқадики, қондаги эритроцитларнинг камайиши гемоглобин миқдорининг камайишига ҳам олиб келади. Лейкоцитлар миқдори  $12,1 \pm 0,67$  минг тага кўпайганлиги кузатилди. Бу эса организмда аралаш инфекциянинг эндотоксини натижасида ўпкадаги бронхопневмониянинг кузатилиши, геморрагияси, жигарнинг дистрофик ўзгариши, талоқдаги спленитнинг кузатилиши натижасида қондаги лейкоцитлар миқдорининг ошганлиги кузатилди.

**Аралаш колибактериоз-сальмонеллез билан юктирилган куёнлар қонининг иммуноморфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари,** деб номланган учинчи қисмида қон намуналарини иммуноморфологик, биокимёвий текширишлар олиб борилди. III гуруҳ куёнлар организмга *E. coli* + *S. enteritidis* -2,0 млрд (ЛД<sub>100</sub>) микроб таначасини юктирганда қондаги иммуноморфологик ўзгаришлар I ва 2-гуруҳларга қараганда мураккаб ўзгаришлар кузатилган бўлиб, В-лимфоцит хужайраларининг кубсимон бўлиши, ядросининг рексиси аниқланиб, хужайралар структурасининг бузилиши кузатилди. Бундай аралаш инфекцияда ошқозон-ичакларда некротик-серозли ва фибринли жараёнлар кузатилиши туфайли В-(СД-19) лимфоцитларнинг 19 фоизга кўпайганлиги организмдаги тўқима ва хужайраларнинг барьерлик хусусияти бузилганлиги, жигардаги дистрофик ўзгаришлар ва талоқдаги спленит ҳамда атрофия кузатилди. Бронхопневмония ва яллиғланишлар кузатилиши натижасида Т- (СД-3 %) лимфоцитлар меъердан 85 % кўпайганлиги антигенни рағбатлантириш фаолиятининг ошиши ва гиперактив синдоми кузатилди. Т-хелпер (СД-4 %) лар 31 %, Т-(СД-8 %) супрессор лимфоцитлар меъеридан 21 % камайиши I ва II гуруҳларга нисбатан, меъерга кўра камайиши, иммунитетни тартибга солувчи алоқасининг пасайганлиги кузатилди. Хотира киллерлари эса ИРИ (СД-4, СД-8 ) меъерга нисбатан ҳамда I ва 2-гуруҳларга кўра камайган бўлиб, бу эса аралаш бактериал касалликлар туфайли организмнинг аралаш

антигенларга карши курашиш тизимининг гиперактивлиги кузатилди (2-жадвал).

Аралаш колибактериоз-сальмонеллез қўзғатувчилари юктирилган куёнлар иммун тизимининг гиперфаоллигининг кузатилиши, иммунитетни тартибга солувчи Т-супрессор лимфоцитлар алоқасининг бузилишига олиб келган.

2-жадвал

**E.coli ва S.enteritidis юктирилган тажрибадаги куёнлар қонидаги иммуноморфологик кўрсаткичлар натижалари**

| Инвентар рақами                         | СД-3 % (Т-лимфоцитлар) | СД-4% (Т-хелперлар) | СД-8% (Т-супрессорлар) | ИРИ % (СД-4/СД-8) | СД-19 % (В-лимфоцитлар) |
|---|------------------------|---------------------|------------------------|-------------------|-------------------------|
| <b>№1 E.coli юктирилган</b>             |                        |                     |                        |                   |                         |
| 00045                                   | 76                     | 39                  | 23                     | 1,6               | 17                      |
| 00034                                   | 78                     | 40                  | 23                     | 1,7               | 17                      |
| 00015                                   | 78                     | 35                  | 22                     | 1,7               | 16                      |
| 00012                                   | 76                     | 37                  | 22                     | 1,6               | 17                      |
| <b>Ўртача</b>                           | <b>77</b>              | <b>38</b>           | <b>23</b>              | <b>1,6</b>        | <b>17</b>               |
| <b>№2 Salmonella юктирилган</b>         |                        |                     |                        |                   |                         |
| 00065                                   | 76                     | 44                  | 24                     | 1,5               | 19                      |
| 00022                                   | 78                     | 40                  | 25                     | 1,6               | 18                      |
| 00044                                   | 79                     | 34                  | 25                     | 1,4               | 18                      |
| 00090                                   | 80                     | 38                  | 24                     | 1,5               | 18                      |
| <b>Ўртача</b>                           | <b>78</b>              | <b>39</b>           | <b>25</b>              | <b>1,5</b>        | <b>18</b>               |
| <b>№3 E.coli+ Salmonella юктирилган</b> |                        |                     |                        |                   |                         |
| 00029                                   | 85                     | 30                  | 20                     | 1,1               | 19                      |
| 00028                                   | 83                     | 31                  | 21                     | 1,3               | 18                      |
| 00076                                   | 81                     | 29                  | 20                     | 1,2               | 19                      |
| 00099                                   | 89                     | 32                  | 22                     | 1,5               | 19                      |
| <b>Ўртача</b>                           | <b>85</b>              | <b>31</b>           | <b>21</b>              | <b>1,2</b>        | <b>19</b>               |
| <b>№4 назорат</b>                       |                        |                     |                        |                   |                         |
| 00091                                   | 72                     | 58                  | 29                     | 2,0               | 14                      |
| 00077                                   | 73                     | 58                  | 28                     | 2,1               | 16                      |
| 00075                                   | 74                     | 59                  | 29                     | 2,2               | 16                      |
| 00078                                   | 72                     | 60                  | 29                     | 2,1               | 15                      |
| <b>Ўртача</b>                           | <b>73</b>              | <b>59</b>           | <b>29</b>              | <b>2,1</b>        | <b>15</b>               |
| <b>Меъёрида</b>                         | <b>70-73</b>           | <b>56-60</b>        | <b>27-30</b>           | <b>2,0-2,2</b>    | <b>10-15</b>            |

Қондаги биокимёвий ўзгаришларга кўра, *S. enteritidis* ва *E.coli* қўзғатувчиси аралаш юктирилган куёнларда мураккаб ўзгаришлар кузатилган бўлиб, бунда гемокрит миқдорининг ўртача 26,3% камайиши, глюкоза миқдорининг 3,13 ммоль/л камайиши, умумий оқсил миқдорининг 30,8 г/л га кўпайиши, яъни гиперпротеинемия кузатилди. Бунинг сабаби

организмдаги паренхиматоз органлар ва ошқозон-ичак тизимидаги экссудатив яллиғланишлар, йўғон ва кўр ичаклардаги фибринли тугунларнинг ҳосил бўлиши ҳамда оқсил алмашинувининг бузилиши туфайли жигардаги гиалин-томчили дистрофик ўзгаришларнинг ривожланганлиги аниқланди. Кальций 1,87 ммоль/л, тромбоцитлар миқдорининг  $121,2 \cdot 10^9$ /л. ўзгарган бўлиб, барча кўрсаткичлар кескин камайиши кузатилди. Гематокрит миқдорининг камайиши бу эритроцитлар миқдори ва ҳажмининг кескин камайиши ҳисобига келиб чиққанлиги аниқланди. Тромбоцитлар миқдорининг камайиши жигардаги дистрофик ўзгаришлар натижасида қонни филтрлаш бузилади, оқибатда қоннинг суюлиб кетиши натижасида тромбоцитлар миқдори ҳам камаяди.

**Қуёнлар аралаш колибактериоз-сальмонеллезининг паталогоанатомик ва бактериологик текшириш усуллари, идентификацияси,** деб номланган тўртинчи қисмида тажрибадаги барча қуёнлар ўлимтиги паталогоанатомик ёриб кўрилгандан сўнг паренхиматоз (юрак, ўпка, жигар, талоқ, буйрак,) ва қўшимча ички аъзолардан (лимфа тугуни, ошқозон-ичаклар, сон суяк илиги) бактериологик текширишлар учун ГПК, ГПА га ҳамда идентификация қилиш мақсадида электив озуқа муҳитларига (Эндо, Левин, Висмут-сульфит, Плоскирев, қон асосли агар, Сальмонелла-шигелла агари) экилиб бактерияларнинг хусусиятлари ўрганилди. III гуруҳдаги қуёнлар паренхиматоз аъзолардан экилган эхма ўзига хос хусусиятли бўлиб, икки хилдаги ўзгаришлар кузатилди. ГПК озуқа муҳитида бир хилдаги лойқаланиш, пробирка тубида 1-1,5 мм оқ чўкма борлиги ва кўзғатилганда бу чўкма муҳитга осонгина тарқалиб, аралашганлиги кузатилди. Эндо озиқа муҳитида ҳам икки хилдаги оч пушти ва тўқ малина рангли колониялар кузатилди. Висмут-сульфит агариди ҳам четлари тўқ-яшил оч-қўнғир, қора рангли колониялар кузатилди. Энг фарқланадиган ўзгаришлардан бири - бу Левин озиқа муҳитида оч ва тўқ бинафша рангли икки хил колонияларнинг кузатилиши билан фарқланди.

**Қуёнлар колибактериоз ва сальмонеллезининг патоморфологик дифференциал диагностикаси,** деб номланган бешинчи қисмида тажриба давомида *E.coli* кўзғатувчиси юқтирилган I гуруҳ қуёнлари жуссасининг ориқлаб кетиши, анал тешигининг ахлат билан ифлосланганлиги, сарғиш ич кетиш кузатилди. Паталогоанатамик ёриб кўрилганда ўзгаришлар асосан ошқозон-ичаклар тизимида кузатилди. Ошқозонда озиқага аралашган сузмасимон массанинг мавжудлиги, шиллиқ қаватининг геморрагик яллиғланиши, қон томирлар кенгайиши капиллярлараро қон қуйилишлар кузатилди. II гуруҳдаги қуёнлар жасади текширилганда, орқа анал тешиги ахлат билан ифлосланганлиги, сарғиш-кўкимтир ичи кетиши кузатилди. Паталогоанатомик ёриб кўрилганда, қуёнлар кўкрак қафасида 15-20 мл миқдорда сарғимтир-қизғиш рангли экссудатнинг тўпланиши, ўпканинг икки томонлама бронхопневмонияси, трахеяда нуқтали ва чизикли қон қуйилишлар аниқланди. Юрак қўйлакчасида сарғимтир сув тўпланиши, юрак қулоқчаларида нуқтали қон қуйилишлар, юрак бўлмачасининг инфаркти кузатилди.

Бундан фарқли ўлароқ III гуруҳ қуёнларда мураккаб ўзгаришлар кузатилган бўлиб, қуёнлар жасади паталогоанатомик текширилганда анал тешиги, орқа оёқлар кўкимтир-сарғиш ахлат билан ифлосланганлиги, қорин соҳаси шишиб, газ билан тўлганлиги ва ёриб кўрилганда ошқозон-ичакларнинг барчаси газ билан тўлганлиги яққол намоён бўлди.

Кўкрак қафасида 15-20 мл сарғимтир-қизғиш экссудатнинг тўпланиши, юрак консистенцияси юмшаган, нисбатан бўшашган, чап томон инфаркти, юрак қулоқчаси бўшашган, доғли қон қуйилишлар, юрак кўйлакчаси қонли экссудат билан тўлган, юрак қулоқчасида геморрагик қон қуйилишлар, кесиб кўрилганда миокард ва эндокардда нуқтали қон қуйилишлар кузатилди. Ўпканинг икки томонлама бронхопневмонияси, геморрагик қон қуйилишлар кузатилди. Трахеяда кўпikli экссудатнинг кўриниши ва кесиб кўрилганда нуқтали, геморрагик қон қуйилишлар кузатилди (1-расм). Буйрак консистенцияси қаттиқлашган, териси ажратилганда нуқтали доғли фибриноз ўчоқлар, қон қуйилишлар, кесиб кўрилганда пўстлоқ ва мағиз қаватида тубулоинтерстициал нефритнинг ривожланганлиги аниқланди. Ошқозон юзасининг ҳамда кириш (кардиал) ва чиқиш жойи (пилорис) соҳасининг фибринли-геморрагик яллиғланиши аниқланди. Ошқозон ёриб кўрилганда, ошқозон шиллиқ қаватининг фибринли, экссудатив яллиғланиши, бурмаларнинг қалинлашуви кузатилди.




**1-расм. Трахеядаги геморрагик, нуқтали қон қуйилишлар.**

Ичакларда газ тўпланиши, геморрагик қон қуйилишлар, экссудация, индурация жараёнларининг кечиши, ичак шиллиқ пардаларининг фибринли яллиғланиши кузатилди (2-расм). Қуёнлар йўғон ва кўр ичагининг туташган жойида (мош, тарик катталигида) некротик-фибринли тугунлар ажратилди.

Ингичка ва ўн икки бармоқли ичакларда доғли қон қуйилишлар, ичак шиллиқ қаватининг шишиб, қалинлашганлиги аниқланди. Тўғри ичакларда, экссудатив яллиғланишлар ва шиллиқ қаватининг қалинлашуви, баъзи

